



Characteristics of North African immigration to France in the last quarter of the 20th century and the beginning of the 21st century

Nodir TURSUNOV¹

Angren University

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2024

Received in revised form

15 December 2024

Accepted 20 January 2025

Available online

15 February 2025

Keywords:

France,
Pan-Africa,
immigration,
demography,
illegal,
Algeria,
Tunisia,
Morocco,
emigration,
crisis.

ABSTRACT

The urgency of the immigration issue is determined by new challenges faced by the country's leadership. By the end of the 20th century, the problem of integration emerged before the country in all its severity. Strengthening immigration policies, combating illegal immigration, and implementing selective approaches to immigrant acceptance – all these measures taken by the government were necessary from the perspective of ensuring political stability in the country, maintaining prosperity, and preserving the French model of the state and French identity.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss1/S-pp20-25>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

XX асрнинг сўнги чораги – XXI асрнинг бошида Францияга шимолий африкаликлар иммиграциясининг хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Франция,
Пан-Африка,
иммиграция,
демография,
нолегал,
Жазоир,
Тунис,

Иммиграция муаммосининг долзарблиги мамлакат раҳбарияти олдида пайдо бўлган янги муаммолар билан белгиланади. XX асрнинг охирига келиб интеграция муаммоси бутун кескинлиги билан мамлакат олдида пайдо бўлди. Иммиграция сиёсатини кучайтириш, ноқонуний иммиграцияга қарши кураш, муҳожирларни қабул қилишда танлаб олиш сиёсати – ҳукумат томонидан

¹ Independent Researcher, Head of the Department of Academic Activities and Credit System Management, Angren University. E-mail: odir.tursunov.73@mail.ru

Марокаш,
эмиграция,
инқироз.

кўрилган ушбу чораларнинг барчаси мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлаш, фаровонлик, давлатнинг француз моделини ва француз ўзига хослигини сақлаб қолиш нуқтаи-назаридан зарур эди.

Особенности иммиграции североафриканцев во Францию в последней четверти XX – начале XXI века

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Франция,
Пан-Африка,
иммиграция,
демография,
нелегальный,
Алжир,
Тунис,
Марокко,
эмиграция,
кризис.

Иммиграция муаммосининг долзарблиги мамлакат раҳбарияти олдида пайдо бўлган янги муаммолар билан белгиланади. XX асрнинг охирига келиб интеграция муаммоси бутун кескинлиги билан мамлакат олдида пайдо бўлди. Иммиграция сиёсатини кучайтириш, ноқонуний иммиграцияга қарши кураш, муҳожирларни қабул қилишда танлаб олиш сиёсати – ҳукумат томонидан кўрилган ушбу чораларнинг барчаси мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлаш, фаровонлик, давлатнинг француз моделини ва француз ўзига хослигини сақлаб қолиш нуқтаи-назаридан зарур эди.

КИРИШ

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида иммиграция жараёнига ва Франция иммиграция сиёсатини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатган иккита янги омил пайдо бўлди. Биринчидан, глобаллашув, иммиграция жараёнларининг кучайишига ва миллий озчилик тушунчасининг йўқолишига ёрдам берган объектив жараён, бошқа томондан, Африканинг ривожланаётган давлатлари бўйича эксперт ва Пан-Африка тараққиёт институти асосчиси Фернанд Винсент фикрига кўра, “одамларнинг ўзларини гуруҳ, жамоа ёки миллатга тегишли ҳис қилиш эҳтиёжни кучайтирди” ва уларни этно-диний гуруҳларга бирлашишга ундади. Иккинчидан, бирлашган Европани яратиш жараёни иммиграция сиёсатининг кўплаб масалаларини ҳал қилиш умуммиллий, умумевропа даражасига олиб келди, бу эса умумевропа кўрсатмалари ва қоидалари билан ҳисоблашишга мажбур бўлган Франция ҳукуматининг ушбу соҳадаги фаолиятига маълум чекловлар қўйди.

АСОСИЙ ҚИСМ

XX асрнинг 70-йилларида француз ҳукумати мамлакатдаги хорижликлар сонини қисқартиришга йўналтирилган сиёсат йўлига ўтишди. Янгидан жорий қилинган “яшаш учун гувоҳнома” иммигрантларнинг бандлик ҳолатидан келиб чиқиб бериладиган бўлди. Уч йилдан кам муддатга ёлланган ишчилар Францияга оилаларини олиб келишлари тақиқланди. Жазоирликларга нисбатан қилинган бу ва бошқа бир қатор маъмурий чора-тадбирлар нафақат Эвиан келишувида белгиланган фуқароларнинг давлатлараро эркин жойлашуви ҳақидаги тамойилларни, балки 1968 йилги ҳукуматлар ўртасидаги икки томонлама конвенциянинг ҳам бузилиши эди [1; 50]. 1979 йил декабридаги француз-жазоир музокараларида Жазоир Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар министри М.Беняхъё Франциянинг жазоирликларни мажбуран ватанларига қайтариш

тўғрисидаги таклифини қатъиян рад этди. 1980 йил сентябрида, француз-жазоир муносабатлари яхшиланган даврда томонлар ўзаро бир-бирларига ён берувчи келишув ишлаб чиқишга муваффақ бўлишди.

1980 йили жазоирликлар Францияда яшаётган 3,7 миллион иммигрантларнинг 21%ни ташкил этган бўлиб, сон жиҳатдан португаллар (22%) дан кейин иккинчи ўринда турар эди. Мамлакатда шунингдек 8% марокашликлар ва 4% тунисликлар яшар эдилар [2; 184]. Ҳамма хорижликлар Франция аҳолисининг 7% ни ташкил этган. Статистик ва иқтисодий тадқиқотлар миллий институтининг (INSEE) 1983 йилги маълумотларига кўра, умумий 4,5 миллион кишини ташкил этадиган иммигрантларнинг 777 минги (17%) жазоирликлар, 519,4 минги (11,5%) марокашликлар, 215 минги (4,7%) эса тунисликлардан иборат эди [2; 184].

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб мамлакатда деярли ҳар қандай ишга рози бўладиган маҳаллий ишчиларнинг кўп сонли армияси вужудга келди. Мамлакат 300 мингдан ошиқ хорижлик ишсизларни уларнинг оиласи билан бирга таъминлашига тўғри келди, яъни ижтимоий таъминот нафақалари тўланди, уларнинг умумий ва махсус таълим олишлари, уй-жой билан таъминланиши ва ҳ.к. учун харажатлар давлат ҳисобидан қопланди.

1969 йили ишсизлар сони 100 минг киши бўлган бўлса, 1976 йили – 1 миллион, 1981 йили эса 2 миллион кишига етди. Агар 1982 йили мамлакатда ишсизлар сони умумий аҳолининг 9% ни ташкил этган бўлса, бу ҳолат иммигрантлар орасида – 12% эди [3; 76]. XX асрнинг 80-йилларида Франциядаги бандлик инқирози иммиграция таркибини ўзгаришига, ишсизликнинг ўсишига олиб келди. Агар 1975 йили хорижлик ишчилар иш билан банд аҳолининг 7,5%ни ташкил этган бўлса, 1982 йили – 6,2%ни ташкил этди. Бироқ, қисқартирилган иш ўринларининг ярмидан кўпи мағрибликлар ҳиссасига тўғри келди (105 минг кишидан ошиқроқ) [3; 77].

Иммигрантлар асосан инқирозга учраган соҳаларда иш билан банд эди, шунинг учун хориж ишчи кучи айнан ўша жойларда ишдан бўшатилади. Энг аввало тоғ-кон ишчилари, қурувчилар, металлургиялар, кимёгарлар, шиша саноати ишчилари жабр кўришди. Автомобиль саноатида, жумладан Рено, Ситроен, Пежо заводларида ҳам мағрибликлар сони сезиларли даражада камайди. Бундан ташқари, иммигрантлар инқироз кўпроқ қамраб олган ҳудудларда – Иль-де-Франс, Рона-Альп, Эльзас, Прованс-Ложувард қирғоғи, Франш Конте, Лангедок-Русильон саноат районларида тўпланган эди. Дастлабки уч районда хорижлик ишсизларнинг 60%и жойлашган эди. Бироқ, бу даврда айнан мағрибликлар янги очилган 49 минг иш ўринларидан 42 мингини эгаллашди. Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам 100 минг ўрин ташкил этилган эди [4; 100].

1975 йили шимолий африкаликлар барча иш билан банд хорижликларнинг 54%и, 1982 йили эса 50,5%и (мос равишда жазоирликлар – 35 ва 31%, марокашликлар – 11,5 ва 12,6%, тунисликлар – 7,6 ва 6,8%) ни ташкил этган. Марокашликларни ишга ёллаш ҳолларининг кўпайиши жазоирликларга қарши кайфиятнинг ошиб бориши билан боғлиқ. Жазоир иммиграцияси ротацион тус ола бошлади. Миграцион алмашинувнинг жадаллиги ҳақида қуйидаги фактларни келтириш мумкин: 1975–1985 йилларда миграцион айланма 24 миллион кишини ташкил этган, бу Жазоирнинг умумий аҳолиси сонидан кўп эди [5; 84].

Бундай шароитда иммигрантлар орасида маълумотли ишчилар сони ошди: 1977-1981 йилларда саводга эга ишчилар жами ишчиларнинг учдан бир қисмини ташкил этарди. Ишчиларнинг ярми қора ишчилар эди. Фақат 50 минг киши маълумотли ишчилар бўлган. Маълумотлилиқ даражаси бўйича энг юқориси тунисликлар, энг қуйи ўринда марокашликлар эди [6; 46].

XX асрнинг 80-йиллари бошида неоконсерватив руҳдаги “Меҳнат бозорига кўпроқ эътибор” шиори остида ишлаб чиқаришда фойдалилик рақобатбардошлиликни ошириш учун бандлик соҳасида янги босқич бошланди. Бироқ, бир вақтнинг ўзида ноқонуний иммиграция ва бандлик соҳаларидаги фирибгарликларга ҳам кенг имкониятлар пайдо бўлди. Бу чораларнинг салбий оқибатлари қуйидагилар:

- 1980 йилдан кейин келган ишчиларнинг иш ўринларини йўқотиши;
- Хорижлик ишчиларнинг мамлакатда бир йил туриш рухсати билан келаётган оилалари ноқонуний оқимининг кўпайиши ва уларнинг Францияда қонуний жойлаша олмаслиги;
- Доимий мамлакатдан чиқариб юборилиш хавфи остида ноқонуний яшаб юрган ва иммигрантлар орасида давомли ишсизликнинг ўсиб бориши;
- Бу жараён бошланган вақтда мамлакат ташқарисида бўлган хорижлик ишчиларнинг Францияга қайтиб келиши [4; 104].

1981 йилнинг октябрида бандлик, таълим ва маданият, уй-жой билан таъминлаш борасида маҳаллий французлар билан иммигрантларнинг тенглигини таъминлашга қаратилган учта қонун қабул қилинди. 1983 йил августида қабул қилинган қарор ҳам иммиграцион сиёсат соҳасида кўп жабҳаларни ўзгартирди:

- Нолегал иммиграцияга қарши кураш бўйича янги чоралар тасдиқланди;
- Бандлик соҳасида;
- Иммигрантлар ва уларнинг фарзандларининг мамлакат ижтимоий ҳаётига интеграциялашуви комплекс ҳаракат режаси натижасида иммигрантлар сони асосан Францияда туғилган болалар ҳисобига ўсди;
- Мавсумий ишчи кучидан фойдаланиш борасида иш берувчилар учун чекловлар жорий қилинди [4; 105].

1984 йили чет элликларнинг Францияга келишининг бир қанча аспектларини аниқлаштириш бўйича янги қонун қабул қилинди. Ишга ёллаш ва бўшатиш қоидалари либераллаштирила бошланди. Бу эса ишчи кучини бир соҳадан иккинчи бир соҳага тез ва осон йўналтириш имкониятини берди. Қисман ва вақтинчалик бандликни, муддатидан олдин нафақага чиқаришни қўллаб-қувватлаш орқали янги келаётган ишчилар оқимини чеклаш борасида кўрилган чора-тадбирлар айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хорижлик ишчилар оқимини қисқартириш ёки бутунлай тўхтатиш, уларни қатъий рўйхатдан ўтказиш ва ҳ.к.лар назарда тутилди. Шу сабабдан ҳам 1988 йилги парламент сайловларида Франсуа Миттеран ғолиб чиққанида асосан иммигрантлар кўп тўпланган провинциялар ҳисобига сўл Миллий фронт лидери Ле Пен сайловчиларнинг 14,38% овозини тўплади (асосан Марсель, Ницца, Лион шаҳарларида) [4; 106].

Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 1990 йили Францияда 4,2 миллион иммигрант яшаётган бўлиб, бу умумий аҳолининг 8% ни ташкил этарди. Хорижликларнинг учдан бир қисми Мағрибликлар: 710 минг жазоирлик, 575 минг марокашлик, 230 минг тунисликлар эди [7; 203].

Статистика ва иқтисодий тадқиқотлар Миллий институти (INSEE) томонидан 1990 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра шу йили Францияда 1 495 480 африкалик иммигрантлар истиқомат қилишган, шундан: 555 715 жазоирлик (иммигрантлар умумий сонининг 17%), 457 456 марокашлик (16%), 207 127 тунислик (6%) ва 275 182 (7%) Африканинг бошқа мамлакатларидан келганлар эди [8; 104]:


– нолегал эмигрантлар;

– ишчи-фронтальелар, уларнинг мақоми Европа Ҳамжамиятининг №1408/71-сонли қарори билан белгиланган: “Фронталье” термини Европа Иттифоқи давлатларидан бирида ишлаб ҳар куни ёки энг камида ҳафтада бир маротаба бошқа давлатдаги уйига, яъни Европа Иттифоқи таркибидаги давлатлардан бирига қайтиб келадиган ишчини англатади. Францияда бундай ишчилар сони тахминан 20 минг кишини ташкил этади (асосан бельгияликлар ва италияликлар) [9; 377];

– мавсумий ишчилар, бундай ишчилар 1972 йили 145 минг киши бўлган бўлса, 1988 йилга келиб 76,5 кишига қисқарди (Хорижлик унинг иш берувчи билан тузган шартномаси муддати 6 ойдан ошмаса мавсумий ишчи деб ҳисобланиши мумкин; бундай шартномалар кўпчилик ҳолларда олти ҳафтага тузиларди);

– бошпана сўраб расмий илтимос билан мурожаат қилган шахслар, 1985 йили уларнинг сони 28 минг киши бўлиб, уларнинг мамлакатда қолиш муддатлари чекланган: икки йилдан уч йилгача, баъзан кўпроқ. Мурожаат қилганларнинг 60% рад жавобини олишар ва мамлакатда қолиб нолегаллар сафини тўлдиришарди.

Бу рақамларни 1931 йил маълумотлари билан таққослаганда (6,6% иммигрантлар), хорижликлар сони XX асрнинг 70-йиллари охири – 90-йиллари бошидаги натижаларга тахминан мос келади.



Маълумотлар олинди: *G.Le Moigne, A.Lebon. L'immigration en France. P., 1999, p. 18.*

1968–1974 йилларда иммигрантлар сони 31% га кўпайган бўлса, 1975–1990 йиллар давомида бор-йўғи 7% ошди. Шунинг учун ҳам иммигрантлар сонининг стабиллашуви ҳақида ҳукумат томонидан XX асрнинг 90-йиллари бошида янги ишчиларнинг кўчиб келишини чеклашга қаратилган чоралар сабаб бўлди деб ишонч билан айта олиш мумкин.

Аралаш никоҳлардан туғилган болалар муаммоси иккинчи ва учинчи авлод муҳожирлари, яъни Европада туғилиб ўсганлар масаласи билан боғлиқ. Маданий жиҳатдан улар Африкадан кўра Европа билан кўпроқ боғлиқ эди. Шунга кўра, улар учун мезбон жамиятга реал кириш билан боғлиқ муаммолар вужудга келар эди.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Африка диаспораси ичида ассимиляция ҳақида фикрлар бўлиниши мавжуд эди. Биринчи авлод африкалик муҳожирларнинг ассимиляция қилиш фактлари рўй берди, аммо улар ўзига хос, индивидуал характерга эга эди. Шу билан бирга иккинчи ва учинчи авлод иммигрантларнинг аксарияти учун ассимиляция Европа жамиятининг тўлақонли аъзоси бўлишинг ягона усули эди, чунки улар Африкага қайтишга интилмадилар. Аммо ассимиляция жараёни этник озчиликларга нисбатан сиёсатни мувофиқлаштирган расмий ҳокимият ва давлат органларининг ёрдамсиз амалга оширилмади.

Францияда Африка диаспораси жамиятнинг таркибий элементига, ички ва ташқи сиёсатга таъсир қилувчи доимий омилга айланди. Африкалик иммигрантлар жамоасининг тақдири нафақат Африка диаспораси билан боғлиқ масалаларнинг ҳал қилинишига, балки Франция мезбон жамиятининг уйғун ривожланишига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кукушкин П.В. Положение эмигрантов из стран Магриба во Франции: социально-политическая проблема в человеческом измерении // В кн.: Гуманитарные аспекты международных отношений. М., 1992.
2. Бродель Ф. Что такое Франция? Люди и вещи. Т.1. М, 1995.
3. Mottin J. Les Maghrébins et l'emploi. P., 1986. P.76.
4. Павлуцкая Э.В, Формирование североафриканской трудовой иммиграции во Франции. В сборнике: Арабские страны Западной Азии и Северной Африки (новейшая история, экономика и политика). М., 1997.
5. Annuaire statistique de la France. 1985, Vol.91.
6. Mottin J. Les Maghrébins et l'emploi. P., 1986.
7. Mermet G. Francoscopie. P., 1991.
8. Annuaire statistique de la France. P., 1996.
9. Lebon A. La présence étrangère en France Occidentale //Revue française d'administration publique. 1988, № 47.